**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

# “ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ОМИЛИ” МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАРИ МАТЕРИАЛЛАРИ

**(2017 ЙИЛ 10 ЯНВАРЬ)**

**ТОШКЕНТ-2017**

фонзи ёки ҳар бешинчи раҳбар эса эгаллаб турган лавозимига лойиқ эмас, деб топилган"[2].

Мулкка жамоа бўлиб эгалик қилиш "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" (2012 йил 23 март)ги қонунда эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, тоға-амма, холалар бўлиб оилавий мулк яратишда ёрқин намоён бўлади. Бу жараёнда қон-қариндошлик принципи асосида жамоавий мулк шакли яратилади. Агар фуқаролик жамиятида оила институти унинг энг муҳим қисми сифатида қаралишини эсласак, шубҳасиз, қон-қариндошлик принципига мувофиқ яратиладиган жамоавий мулк, унга эгалик қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда икки муҳим жиҳат мавжудлиги кўзга ташланади: биринчиси, оила, қон-қариндошларнинг биргаликда умумий мулк яратиши, мазкур умумий мулкка уюшган тарзда эгалик қилиши, иккинчидан, оилавий бизнес, тадбиркорлик, меҳнат жараёнида қон-қариндошлик ришталарининг мустаҳкамланишидир.

Реал ҳаёт кўрсатадики, бозор иқтисодиёти шароитида кишиларни иттифоқ, аҳил, уюшган тарзда яшашга, ҳаракат қилишга умумий мулк мажбур қилади. Биргаликда яратилган умумий мулк нафақат уни биргаликда ҳимоя қилишга, кўпайтиришга, даромад топиб фаровон яшашга ундайди, мазкур имконият умумий мулк эгаларини бир-бирини қўллаб-қувватлаб ишлашга, яшашга ўргатади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши.- Тошкент: Шарқ, 2003.-512 б.
2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.
3. Даль Р. Введение в экономическую демократию.- Москва: Наука СП "ИКПА", 1991.

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТУРИЗМИ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛИ ВА ЁШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ

**Д.Худайберганов – и.ф.н, доцент, (УрДУ)**
**А.Рахимбоев – магистрант, (УрДУ)**

Бугунги кунда Республикамизда туризм соҳаси жадал ва барқарор ривожланаётган тармоққа айланиб, кенг тараққий қилиб бормоқда. Туризм туфайли хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам алоҳида ривожланмоқда. Жумладан, мамлакат ялпи ички маҳсулотида унинг улуши ортиб бормоқда, хизмат кўрсатишнинг сервис ва сифат жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келгани бу тармоқнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва таъсири нақадар катта эканини кўрсатади. Хизмат

кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49 фоиздан 54,5 фоизга этди. Жами банд аҳолининг ярмидан кўпи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда. Республикамизда туризм соҳасининг жадал ва барқарор ривожланиб бориши асосида Хоразм вилоятида ҳам туризм соҳаси алоҳида тармоқ сифатида кенг тараққий қилиб бормоқда ва энг муҳим устувор соҳалардан бирига айланди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримовнинг 2013 йил 20 мартдаги ПҚ-1940-сонли Қарори муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Ушбу қарор билан тасдиқланган "Хоразм вилоятида 2013-2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш" Дастури доирасида бугунги кунгача бир қатор ижобий ўзгаришлар ва аниқ кўринишдаги ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ўтган йилда вилоятимизда сайёҳлик ташкилотлари сони 59 тага етди. Шундан меҳмонхоналар сони 42 тани, туристик фирма ва турагентлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар сони 17 тани ташкил этади. Чунки, яқин даврда 16 та меҳмонхона ва 7 та сайёҳлик ташкилотлари янгидан ташкил қилинди. Юқоридаги чора-тадбирларни узлуксиз ва изчил давом эттириш борасида Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 2016-2017 йилларга мўлжалланган аниқ амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бу борада туризмни ривожлантириш бўйича истиқболли режаларни қабул қилиш ва самарали дастурларни ишлаб чиқиш мақсадида Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича доимий фаолият юритувчи комиссия тузилиб, унинг иш фаолияти учун Урганч давлат университети Тарих факультети биносида алоҳида хона ташкил этилди.

Умуман олганда, "Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 2016-2017 йилларига мўлжалланган аниқ амалий чора-тадбирлар"ни ишлаб чиқиш юзасидан Хоразм вилояти ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш баёнидаги топшириқлар ижросини бажариш бўйича Туризм ва иқтисодиёт факультетининг бир йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси қуйидаги йўналишлардан иборат:

-туризм соҳасининг гид, туроператорлик хизматлари ва бошқа йўналишлари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида УрДУ қошида қисқа муддатли ўқув курслари учун махсус жиҳозланган ўқув хонасини ташкил этиш;

-Хоразм вилоятининг туристик салоҳиятини кенг ёритиб берувчи видео лавҳа тайёрлаш;

-ўзбек, хусусан, Хоразм миллий таомларини тайёрлаш усуллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва улар асосида буклетлар жамланмасини яратиш, ушбу маълумотларни интернет веб-саҳифаларига жойлаштириш;

-Урганч халқаро аэропорти ҳудудида хорижий туристлар ўртасида уларга кўрсатилган туристик хизматларнинг сифатини баҳолашга қаратилган социологик сўровнома ўтказиш;

-туризмнинг илмий ва тарихий жиҳатларини акс эттиришга қаратилган "Хива ҳаттотлик санъати меросини асраш" номли лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш;

-туризм соҳасида юқори малакали кадрларни янги педагогик технологиялар асосида ўқитишга мўлжалланган "Туроперейтинг" фанидан услубий қўлланма тайёрлаш;

-жойларда ва оммавий ахборот воситаларида туризм соҳаси ҳақида тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бориш ва тадбирларни ўтказиш.

Шу билан биргаликда, университетда "Туризм (фаолият турлари)" ва "Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш" таълим йўналишлари бўйича бакалавриат ва "Туризм (халқаро ва ички)" мутахассислиги бўйича магистратура таълимида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади.

Хусусан, 2016-2017 қабул квотаси бўйича таълим ўзбек тилида олиб бориладиган "Туризм (фаолият турлари)" бакалавриат йўналишига жами 30 та квота ўрин (10 та давлат гранти асосида ва 20 таси тўлов шартномаси асосида) белгиланди. Бироқ, таълим рус тилида олиб бориладиган "Туризм (фаолият турлари)" бакалавриат йўналиши ташкил қилиниб, унга жами 20 та квота ўрин (8 та давлат гранти асосида ва 12 таси тўлов шартномаси асосида) белгиланди.

Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган "Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш" бакалавриат йўналишига жами 40 та квота ўрин (10 та давлат гранти асосида ва 30 таси тўлов шартномаси асосида) белгиланди. "Туризм (халқаро ва ички)" мутахассислиги бўйича магистратура таълимида жами 4 та квота ўрин (2 та давлат гранти асосида ва 2 таси тўлов шартномаси асосида) белгиланди.

Юқорида келтирилган йўналишда таҳсил олаётган талабалар учун баъзи ихтисослик фанларидан инглиз тилида дарс машғулотлари ҳам олиб борилмоқда, талабалар илмий раҳбарлари билан мақолалар чоп қилдирмоқдалар. Умуман олганда, вилоятимизда туризм соҳасининг жадал ривожи йўлида юқорида келтирилганидек аниқ истиқболли ва комплекс чоралар кўрилмоқда ҳамда тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

## MAFTUNKOR O'ZBEKISTON TABIATI

**U.E.Do'schanov –o'qituvchi, (UrDU)**
**M.B.Bekturdieva – talaba, (UrDU)**

O`zbekiston – boy tarix va buyuk madaniy merosga ega bo`lib, o`zining betakror tabiati, o`zbek xalqining mehmondo`stligi, respublika bo`ylab joylashgan ajoyib va noyob arxitektura yodgorliklari bilan butun dunyoda ma'lum va mashhurdir. Ko`p asrlar davomida saqlanib qolingan milliy qadriyatlari hamda go'zal va boy tabiati bilan insonlarni o'ziga jalb qilib kelgan. Maftunkor O`zbekiston haqidagi o`ylar har qanday insonning qalbi tubida qolishi shubhasiz. O`zbek an'analari va urf-odatlari zamirida buyuk ma`naviyat aks etgan. Engasosiysiesa, ushbu serquyosh mamlakatda doimo tinchlik hukm suradi. Bu yerdagi hamma narsa ajoyib. Ayniqsa, mamlakatning o'ziga xostabiati: tog'u-toshlari, cho'lu-sahrolari, yaylovu-tekisliklari, qiru-adirlari, o'rmonu-to'qaylari, bog'u-rog'lar, xiyobony-go'shalari hamda go'zal